

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА НИЛУФАРХОН РАВШАНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГРАДАЦИЯНИНГ КОГНИТИВ ВА
ПРАГМАТИК ЖИҲАТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Махмудова Нилуфархон Равшановна

Инглиз ва ўзбек тилларида градациянинг когнитив ва прагматик
жиҳатларининг қиёсий таҳлили 3

Махмудова Нилуфархон Равшановна

Сопоставительный анализ когнитивных и прагматических особенностей
градации в английском и узбекском языках

Makhmudova Nilufarkhon Ravshanovna

Comparative Analysis of Cognitive and Pragmatic Features of Gradation in the
English and Uzbek Languages.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

The list of publications.....

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА НИЛУФАРХОН РАВШАНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГРАДАЦИЯНИНГ КОГНИТИВ ВА
ПРАГМАТИК ЖИҲАТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil157 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетиде бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифасининг www.adu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шахабиддинова Шохиде Хошимовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиева Дилора Абдулхамидовна
филология фанлари доктори, профессор

Эргашева Гули Исмоил кизи
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» сентябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223-88-14; факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (82 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел: 0 (374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «29» сентябрь кунини тарқатилди.
(2021 йил « » даги рақамли реестр баённомаси).



Н.М.Улуков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.б.ф.д.

М.И.Умарходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги тараққиётининг асосий йўналишларидан бири сифатида лингвистик бирликларнинг бевосита ва билвосита алоқаларини батафсил таҳлилга тортиш ва янги лингвистик парадигмаларнинг ўзига хос когнитив ва прагматик хусусиятларини аниқлаш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тилларнинг ижтимоий таъсирга берилиши, ўз навбатида, тилларни функционал жиҳатдан режалаштириш муаммоларини юзага чиқаради ва шу нуқтаи назардан тилларни қиёсий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, тилшуносликнинг замонавий йўналишлари тараққий топишида дунёдаги табиий тилларнинг ривожланиш жараёнига доир изланишларни, қардош бўлмаган тиллар табиатини қиёсий аспектда антропоцентризм тамойили остида олиб бориш бугунги тилшунослик учун долзарблик касб этмоқда.

Дунё тилларидаги семантик муносабатларга, хусусан, градуалликнинг умумлингвистик ҳодиса сифатидаги мақомини тадқиқ этишга оид илмий изланишлар кўплаб олиб борилмоқда. Инсон когнитив фаолиятида, нутқ актларининг прагматик аспектини белгилашда градация алоҳида ўрин тутгани боис градация тавсифи, таснифи, қардош бўлмаган тиллардаги ифодаланишдаги ўзига хосликлари борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим. Турли типологик табиатга эга тилларнинг когнитив, семантик ва прагматик хусусиятларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиқ беришга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Юртимизда илм-фаннинг ривожига, хусусан, қардош бўлмаган тилларнинг чоғиштирма тадқиқига сўнгги йилларда катта эътибор қаратилмоқда. «Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди»¹. Бу эса, лингвистик жиҳатдан градацияга учрайдиган лисоний бирликларни чуқур ва атрофлича ўрганиш, ушбу ҳодисанинг когнитив ва прагматик хусусиятларини замонавий тилшуносликда қиёсий-типологик аспектда тадқиқ этиш миллий тилшунослик соҳасининг долзарб муаммоларидан бири эканлигидан далолат беради ҳамда инглиз ва ўзбек тилларида “градация” концептининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 35-36.

академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Даражаланиш тушунчаси ўзбек тилшунослигида 1989 йилда сўзлараро маъновий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида талқин этилиб, бу ҳодиса “градуонимия ҳодисаси”² деб номланди. Аввалроқ Н.С.Трубецкой, Р.Якобсон, С.Д.Кацнельсон, Ю.С.Степанов, С.Т.Ғиёсов, Д.А.Круз ва яна бир нечта олимларнинг ишларида³ кўрсатилган илмий қарашлар градациянинг ўрганилишига тўртки бўлди. Кейинчалик Р.Сафарова, М.Д.Нарзиева, М.Б.Файзуллаев, Н.Д.Ширинова ва Л.Н.Элмурадованинг ишларида⁴ даражаланиш ҳодисасига қисқача тўхталиб ўтилди.

Градуонимия парадигмаси Ш.Орифжонова, О.Бозоров, Н.Воҳидова, Ж.Ш.Джумабаева ва Ғ.Раҳмоновлар⁵ томонидан таҳлилга тортилди.

²Бегматов Э., Нейматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. №6, 1989. – Б. 35-40.

³Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Иностранная литература, 1960. – 372 с.; Якобсон Р., Фант Г.М., Халле М. Введение в анализ речи // Новое в лингвистике. Вып. II, 1962. – С.173-186.; Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.-Л.: Наука, 1965. – С. 81-83.; Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. Учебное пособие. – М.: Просвещение, 1975. – С. 38.; Ғиёсов С. Ўзбек тилида субъектив баҳо сифатларининг семик таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. № 2, 1986.– Б. 28-32.; Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – P. 187-195; Cruse D.A. The Lexicon. In: Aronoff M., Rees J.M. (eds.) The Handbook of Linguistics. – N.Y.: Blackwell Publishing, 2002. – P. 182-200.

⁴Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов): Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1990.– 142с.; Нарзиева М.Д. Семантическая структура имен существительных возрастной характеристики лица в узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1992. –28 с.; Файзуллаев М.Б. Сравнительно-типологические особенности лексико-семантических групп глаголов психического состояния в русском и узбекском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1994. –23 с.; Ширинова Н.Д. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари. Филол. фан. номз. ... дисс. –Т., 2010.– 123 б.; Элмурадова Л.Н. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони). Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2011. – 26 б.

⁵Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1994. – 113 б.; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 1997. – 270 б.; Vokhidova N. Ergebnisse einer web-basierten Umfrage zur Graduonymie // Akten des 43. Linguistischen Kolloquiums: Pragmntax II. Zum aktuellen Stand der Linguistik und ihrer Teildisziplinen, 2007.; Vokhidova N. Lexikalisch-semantische Graduonymie im Deutschen // GLDV-2007: Workshop on lexical-semantic and ontological resources: proceedings / C. Kunze, L. Lemnitzer, R. Osswald. – S. 119-128.; Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 2016. – 231 б.; Раҳмонов Ғ. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати. PhD дисс. – Фарғона, 2018. – 132 б.

Лингвопрагматика соҳаси Ч.Пирс ва Ч.Моррис, Н.Д.Арутюнова, К.Бах, Р.М.Ҳарниш, Ж.Л.Мей, Н.Филаткина, С.К.Левинсон, Ш.Сафаров каби тилшунослар⁶ томонидан чуқур ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ОТ-Ф1-18 «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида градация ҳодисасининг когнитив, семантик ва прагматик хусусиятларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

градация тушунчасини ўрганиш ва тилнинг турли сатҳларидаги градуонимик муносабатларни таҳлил қилиш;

градация ҳодисасини ифодаловчи концептосфераларни тизимлаштириш;

градация концептуал сфераси ҳосил бўлишининг когнитив тизимини тадқиқ этиш;

градуаллик категориясининг функционал-семантик майдони бирликларини тавсифлаш;

матнда даражаланишни ифодаловчи индикаторларни аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларида градациянинг коммуникатив-прагматик хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги градация олинган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларида градациянинг когнитив ва прагматик хусусиятлари тавсифи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда чоғиштирма, дифференциал-семантик, компонент таҳлил, контекстуал ва концептуал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида статик бир босқичли градация ва динамик кўп босқичли градация кўрсаткичларни белгилаш орқали градация ҳодисасининг дунёни тушуниб етишдаги когнитив ва дунёни тилда акс эттиришдаги функционал-прагматик хусусиятлари очиб берилган;

⁶Morris C.W. Foundations of the Theory of Signs. – Chicago: The University of Chicago Press, 1938. – 59 p.; Арутюнова Н.Д. Дискурс. Вкн.:Лингвистическаяэнциклопедия. – М., 1990. – С. 136-137. Bach K., Harnish R.M. Linguistic communication and speech acts. – Cambridge, Mass.: MIT Press, 2000. – 484 p.; Mey J.L. Pragmatics: An Introduction. 2nd ed. – Oxford: Blackwell, 2001. – 392 p.; Filatkina N. Pragmatische Beschreibungsansätze. In H. Burger et al. (eds.), Phraseologie. Ein internationales Handbuch der zeitgenössischen Forschung. 1. Halbband. – Berlin/N.Y.: de Gruyter, 2007. – P. 132–158.; Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2008. 420 p.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Т., 2008. – 318 б.

градациянинг оламнинг лисоний манзарасидаги концептуал мавқеи ва унинг бошқа концептуал соҳалар билан ўзаро алоқаси, мустақил категория ҳосил қилиши герменевтик ёндашувнинг “концептуаллаштириш” ва “категориялаштириш” тамойилларининг узвий боғлиқлиги асосида очиб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларининг "даража" умумий семантик белгисига эга бўлган фонетик, морфологик, сўз яшаш, лексик, фразеологик ва грамматик қатламлари ва матнларида намоён бўлувчи даражавийлик – градуаллик функционал-семантик майдони шакллантирилган;

қиёсланаётган тилларда градациянинг коммуникатив ва прагматик функцияларининг реал дунёга доир семантик ва дискурсив каби ўхшаш ва тасаввур, баҳо, миллий-маданий тавсифлаш каби ареал дунёга оид фарқли жиҳатлари антропоцентрик ёндашув асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли тизимли тилларда градация ҳодисасининг когнитив ва лингвопрагматик хусусиятларининг атрофлича тадқиққа тортилиши орқали олинган натижалар тил ўргатиш амалиётида фойдаланилиши далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларида градациянинг когнитив ва прагматик жиҳатлари нутқда қўлланилишига кўра фаоллик даражаси аниқланган;

концептларни тартибга солувчи шкаланинг образли-схематик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммо юзасидан илмий қарашларнинг ўрганилганлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги ва ишончли манбалардан фойдаланилганлиги, таҳлилга тортилган материаллар инглиз ва ўзбек тиллари табиатидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик пухталиги, мавзу бўйича илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилганлиги, таклиф, тавсия ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тиллари лексикологияси, лексикографияси, семантикаси, прагматикаси бўйича назарий манба яратишда, дарслик ҳамда қўлланмаларни такомиллаштиришда, махсус курслар учун қўшимча материаллар беришда фойдаланишда, турли тизимли тилларнинг мураккаб бирликлари таркибидаги градация ва унинг когнитив, лингвопрагматик хусусиятларини тадқиқ қилишда илмий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари лисоний бирликларнинг градуонимик қаторларда ифодаланиши хусусиятлари инглиз ва ўзбек тилларини ўқитиш ҳамда мустақил ўрганишга, оммавий ахборот воситалари томонидан инглиз ва ўзбек тилларида тайёрланган дастурларда нутқ раволиги ҳамда аниқлигини таъминлашга, унинг ранг-баранглиги ва

жозибадорлигини оширишга доир ишлаб чиқилган тавсиялардан амалий фойдаланишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларига градациянинг лингвопрагматик хусусиятларини чоғиштирма тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дунё тилларида градацияни ифодаловчи воситалар орқали гап психолингвистик тусининг ўзгаришидаги ўзига хосликларни қиёслаб аниқлашда, тилнинг турли сатҳларига мансуб градацияловчи воситаларнинг ўзига хос жиҳатларининг нутқни яратиш ва қабул қилишга таъсирини баҳолашга оид илмий натижалардан Андижон давлат университетидан бажарилган 2015-2017 йилларга мўлжалланган “А-1-39 Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш” давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 89-03-4172-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот турли лингвомаданият вакилларининг коммуникатив компетенциясини таъминловчи градуллик аспектини шакллантиришдаги уникал жиҳатлари борасидаги илмий-назарий асослар билан бойитилган;

инглиз ва ўзбек тилларида градация ҳодисасини ифодаловчи концептуал соҳаларни аниқлаш ва уларнинг когнитив тизимини тадқиқ этиш ва икки ҳил маданиятда социолингвистик компетенцияни тўғри шакллантиришга оид, хусусан таржима жараёнида реал ва ареал дунёни акс эттирувчи концептуал соҳаларнинг градация аспектида намоён бўлувчи ўзига хос хусусиятларига оид илмий хулосалардан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида 2012-2013 йилларда бажарилган ЁА 1-06 рақамли “Профессионал таржимонларни тайёрлашда сифат назоратини ташкиллаштиришга компетент ёндашув” номли амалий грант лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 89-03-4172-сон маълумотномаси). Натижада градациянинг ўзига хос бўлган адекват таржимани таъминлашдаги имконияти асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида градациянинг когнитив ва прагматик жиҳатлари қиёсий таҳлилига бағишланган таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалардан Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг Андижон ахбороти «News» информацион дастури ҳамда «Онлайн дарс» кўрсатувлари сценарийсида фойдаланилган (Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 18 майдаги 20-24/277-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тилшуносликда градацияни тадқиқ этишнинг назарий асослари”** номли бобида градуалликнинг лисоний категория сифатида ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилади.

“Градация” тушунчасини фанга француз табиатшуноси Ж.Б.Ламарк олиб кирган. Бу сўз латин тилидаги *gradation* (аста-секин ортиб бориш) маъносини билдириб у *gradus* – босқич, даража сўзидан келиб чиққан. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида «градуонимия», «градуонимик муносабат» ва «даражаланиш» атамалари синонимлар сифатида қўлланилмоқда.

Ўзбек тилшуноси Ж. Жумабоевнинг⁷ монографиясида кўрсатилишича, даражаланиш ҳодисаси тилшуносликда тадқиқот объекти сифатида ўзбек тилшунослигида 1989 йилда сўзлараро маъновий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида талқин этилиб, унга градуонимия ҳодисаси деб ном берилди – «...ўзбек тилшунослигида лисоний маъновий муносабатни акс эттирувчи синонимия, омонимия, антонимия кабиларнинг умумий таркибий қисми бўлган - *онимия* қисмини латинча *gradu* (“*даража*”, “*босқич*”) сўзи билан бириктириш асосида сунъий равишда ясалди»¹. Бу ҳодиса 1990 йилда тилшунос Р.Сафарованинг номзодлик ишида илмий фараз сифатида берилган бўлса², 1993-94 йилларда Ш.Орифжонова луғавий даражаланишни номзодлик диссертациясида атрофлича тадқиқ этди.

Градуонимия ҳодисаси ўзбек тилшунослигида асосланди, ривожлантирилди ва рус тилшунослигида эса ўзгача талқинда тадқиқ этилди. 1997 йилда тилшунос О.Бозоров докторлик диссертациясида градуонимия нафақат сўзлараро муносабатлар тизимида, балки фонетика ва фонология,

⁷Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол.фанлари д-ри ... дисс. Тошкент, 2016.– 231 б.

морфология ва синтаксис ҳамда стилистика соҳаларида ҳам намоён бўлувчи умумий муносабат тури эканлиги ҳақидаги фаразни илгари сурди⁴.

Ўзбек субстанционал (формал-функционал) тилшунослигида *градуонимия* тушунчаси тилнинг нафақат лексик, балки морфологик, синтактик ва стилистик сатҳ бирликлари орасидаги муносабатларнинг кенг тарқалган турларидан бири эканлиги эътироф этилди ҳамда бу соҳада катта изланишларамалга оширилди. Бундай изланишлар ўтган асрнинг 80-йилларда бошланиб, кейинчалик бу йўналишда жиддий тадқиқотлар юзага келди⁶.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан кейин бу илмий тушунча тадқиқотлардан мактаб ва олий ўқув юртлири қўлланма ҳамда дарсликларига, ўзбек тилида нашр этилган тилшунослик терминларининг изоҳли луғатига кириб борди. Шу тариқа ўзбек тилшунослигида градуонимия ва градуонимик муносабатлар тушунчаси лексикадан морфология ва ҳатто синтаксисга ҳам татбиқ этилди ҳамда умумлисоний муносабат тури мақомига эга бўлди⁷.

Бу ҳодиса Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, О.Бозоров, С.Ғиёсов, М.Нарзиева, Ш.Орифжонова, М.Файзуллаев ва бошқа қатор олимларнинг тадқиқот объекти бўлиб, уларнинг ишларида даражаланиш турли аспектларда ўрганилган.

Градациянинг мақоми тилшунослар томонидан турлича белгиланиб, буни тилдаги мазкур ҳодисанинг мураккаблиги, кўп қирралилиги ва кенг тарқалганлиги билан изоҳлаш мумкин. Градуал муносабатлар семантика, сўз туркумлари, функционал-семантик категориялар, мураккаб синтактик тузилмалар, грамматик маъно, категориявий белгилар, нутқ лексикаси, сўз ва ибораларнинг кўчма маънолари тизимида, мураккаб гаплар таркибида ички матн градацияси ва ҳ.к. категорияларда белгиланади. Бу эса ўз навбатида лисоний градацияни тадқиқ этиш доираси қанчалик кенглигидан далолат беради.

Градуаллик категориясини моҳиятини белгилаш, уни шубҳасиз тегишли мантикий-фалсафий тушунчалар билан биргаликда тадқиқ этишни назарда тутати. Фалсафада градуаллик муҳим тушунча сифатида ажратилмайди. У бир томондан сифат, миқдор ва ўлчов каби тушунчалар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан унинг ҳаракат тушунчаси билан узвий боғланганлигини кузатишимиз мумкин⁸. Шунга кўра, мазкур диссертацияда сифат ва миқдорий белгилар узвий боғлиқ диалектик яхлитликни шакллантирувчи мезон сифатида хизмат қилади.

Сифат ва миқдорнинг ўзаро алоқаси ва боғлиқлиги ва ўзаро асосланганлиги, уларнинг ягоналиги ўлчов тушунчасида акс этади, унинг фалсафий асослари Гегел томонидан қуйидигича изоҳланади: «барча нарсалар ўз ўлчовига эга, улар учун катта ёки кичик бўлиш муҳим эмас, аммо шу билан бирга мазкур фарқсизлик чегарасининг бузилиши объектларнинг аввалги

⁸ Кирьян А.Д. Градация как способ организации лексико-семантической группы (Качественные прилагательные со значением характеристики человека в современном русском языке): Дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.01. – М., 1981. – 204 с.

ҳолатига қайтмаслигининг гаровидир»⁹. Ўлчов унинг сифат ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатмайдиган объектнинг эҳтимолий миқдорий ўзгаришлари чегарасини акс эттиради. Ўлчовдан ташқари миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришлари билан кузатилади.

Сифат ва миқдор тушунчаларининг ўзаро узвий алоқаси билан бирга уларнинг фарқли хусусиятлари ҳам мавжуд. Объектнинг сифат хусусиятини билиш унинг миқдорини тушунишдан аввал содир бўлади. Миқдор доимий ўзгариши мумкин, сифат эса (меъёрий) ўзгармас бўлиб қолади, бунда миқдор ўзгаришга мойиллиги билан, сифат эса нисбий барқарорлик билан характерланади.

Шунга кўра, ҳам миқдор, ҳам сифат категориялари ўзгаришга учраб, уларнинг фалсафий тушунча бўлмиш – ҳаракат тушунчаси билан алоқаси белгиланади. Демак, градуаллик сифат, ҳаракат, ўлчов, миқдор каби мантиқий-фалсафий тушунчалар билан ўзаро алоқадор бўлган тушунчадир.

Шу тарзда грудуаллик диссертация ишида белгининг градацияга учраши натижаси, ҳосиласи сифатида тушунилади, яъни сифат, миқдор, ўлчов ва ҳаракат каби градуаллик категорияларининг у ёки бу лингвистик белгилар асосида ифодаланиши. Градуаллик категорияси градация ҳодисаси орқали намоён бўлиб иккита йўналишда кўриб чиқилади: градация ментал жараён ва унинг натижаси ҳамда лисоний градация когнитив жараёнларни акс эттирувчи восита сифатида қўлланади.

Градация ҳодисасига Э.Сепир биринчилардан бўлиб эътибор қаратиб¹⁰, уни маълум бир шкалага асосланиб тартибланиш сифатида таснифлаб, мазкур ҳодисани тадқиқ қилишнинг асосий йўналишларини белгилади. Э.Сепир даражаланишнинг мантиқий, психологик ва лингвистик жиҳатларини ажратди. Дж.Лайонзнинг фикрига кўра тилшуносликда градация термини Э.Сепир томонидан қиёслаш операциясини билдириши учун қўлланилади¹¹.

Ментал аспектда градация объектнинг миқдорий хусусиятларининг изчил, босқичма-босқич ўзгаришини қайд этиш жараёни сифатида ёки объектнинг сифат хусусиятларининг ўзгариши, бир сифатдан бошқасига ўтиши, шунингдек мазкур жараён натижасини қайд этиш билан белгиланади.

Лисоний градация мантиқий жараёнларни тилда акс эттириш нуқтаи назаридан изоҳланиб, бунда маълум тил бирликлари ва уларнинг ўзаро муносабати назарда тутилади.

Ўлчов назариясига таяниб даражаланиш жараёнини махсус белгилар ёрдамида ўзгаришларнинг ҳар бир босқичини қайд қиладиган шкала тарзида ифодалаш мумкин. Шу тарзда айрим тилшунослар томонидан градациянинг онтологик моҳияти белгиланади, яъни градация ўзгарувчан объект сифатида поғоналарда ифодаланувчи шкала сифатида таснифланади¹². Даражаланишга

⁹Гегель Г. Энциклопедия философских наук. – М.: Мысль, – Т.1: Наука логики, 1974. – 452 с.

¹⁰ Sapir E. Grading. A study in semantics // Philosophy of Science.– Vol. II, 1944. – p. 93-116.

¹¹Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику.– М, 1976.– 488с.

¹²Кириян А.Д. Градация как способ организации лексико-семантической группы (Качественные прилагательные со значением характеристики человека в современном русском языке): Дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.01. –

оид ходисалар юқорида қайд этилганидек, тил тизимида мавжуд бўлиб, уларни семантик ва функционал аспектда янада чуқурроқ тадқиқ қилинишини тақазо этади.

Градуал белги ўзгаришга учрайдиган белги сифатида, ўлчов, нисбийлик ва ўзгарувчанлик билан характерланувчи, у ёки бу даражада намоён бўладиган ҳодисадир. Градациянинг функционал-семантик хусусиятлари когнитив ёндашувни тақазо этади. Бу ёндашув тил нафақат уникал объект сифатида балки инсон онгида содир бўладиган барча матникий жараёнларга боғлиқ бўлган восита сифатида ҳам ўрганилишини кўзда тутди¹³.

Тадқиқотнинг **“Градациянинг концептуал соҳаларда намоён бўлиши: когнитив ёндашув”** номли иккинчи боби тилларда даражаланишнинг шаклланишида “градация” концептининг ўрни ва моҳияти, градациянинг концептуал сфераси ва унинг бошқа концептуал сфералар билан ўзаро алоқаси, унинг статик ва динамик кўрсаткичлари тадқиқ этилади.

Тилшунослар концептга белгиланган, аммо қатъий тузилишга эга бўлмаган тизимлаштирилган билим ва тафаккур бирлиги сифатида қарашади. Аммо кўплаб когнитив тилшунослик намоёндаларининг фикрига кўра инсон онгида концепт дастлаб гештальт шаклида ҳосил бўлади. Мазкур тушунчанинг асоси Дж. Лакофф¹⁴ ишларида келтирилади ва у гештальтни яхлит тузилма сифатида белгилайди¹⁵. Шу билан бирга Дж. Лакофф гештальтнинг компонент, хусусият, элементларга бўлиниш имкониятини қайд қилади.

Қандай тарзда инсон онгли субъект сифатида атроф муҳитдан ажралади ва градуал белги ва ходисаларни қабул қилади? Градация ва градуалликни англаш жараёнлари қандай тил воситалари билан акс этирилади? Мазкур саволларга жавоб бериш учун «концептуаллаштириш», «категориаллаштириш», «концепт», «категория», «концептуал соҳа» ва когнитив тилшуносликнинг терминологик аппаратини ташкил қилувчи бошқа тушунчалар эътиборга олиниши муҳимдир.

Когнитив тилшуносликда категорияларнинг шаклланиши билимларнинг муайян тузилмалари – концептлар негизда содир бўлади, чунки категориаллаштириш ва концептуаллаштириш жараёнлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Категориянинг мазмуни ва доирасини аниқлаш учун аввало унинг негизда мужассам бўлган концептларни, уларнинг жамланмаси, концептуал соҳаларини, сўнг эса ушбу концептуал соҳалар ва категорияни ташкил этувчи когнитив моделларни ҳам аниқлаш муҳим. Айни пайтда градация концепти категория сифатида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, когнитив жиҳатдан градация янада торроқ мазмунда концепт сифатида, кенгрок мазмунда эса

М., 1981. С – 19 (204 с.); Шейгал Е.И. Градация в лексической семантике: Учебное пособие к спецкурсу. – Куйбышев: Куйбыш. гос. пед. ин-т, 1990-С. 3 (96 с).

¹³Кубрякова Е.С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – М.: Языки славянской культуры, 2004- С.9 С (506 с).

¹⁴ЛакоффДж. Лингвистическийгештальт // Новое в зарубежнойлингвистике: Лингвистическая семантика. – М.: Прогресс. – 1981. – Вып. 10. – С. 350-368.; ЛакоффДж. Мышление в зеркалеклассификаторов // Новое в зарубежнойлингвистике: Когнитивныеаспектыязыка.– М.: Прогресс. – 1988. – Вып. 23. – С. 12-51.

¹⁵ЛакоффДж. Лингвистическийгештальт // Новое в зарубежнойлингвистике: Лингвистическая семантика. – М.: Прогресс. – 1981. – Вып. 10. – С. 356-360.

бошқа концептуал соҳалар билан алоқани намоён этувчи концептуал соҳа сифатида талқин этилиши мумкин. Тадқиқотнинг ушбу бўлими градациянинг концепт сифатида градуалликни шакллантирувчи тегишли категория сифатида ўзига хос хусусиятларини аниқлашга бағишланади.

Градация тушунчасининг лексикографик тадқиқи градациянинг инсон онги ва тафаккурининг ўзига хос хосиласи сифатида қайд этиш имконини беради: бир томондан, градация яхлит узлуксиз давомли жараён сифатида қабул қилинади, бошқа томондан эса муайян босқичларга бўлинган жараён сифатида тушунилади. Бунда ушбу “бўлиниш” инсоннинг когнитив қобилиятлари билан таъминланади, чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, градация объектив воқеликка, узлуксиз ўзгаришларга хос.

Градациянинг инсон онгида қайд этилган бирлик сифатидаги талқини ушбу ҳодисанинг тегишли белгилари ва компонентларини ажратиб кўрсатилишини асослайди. Аввало бу давомийлик ва узлуксизлик, у барча луғат изоҳларида «тадрижийлик», «изчиллик», «бир маромлилик», «аста-секинлик» семалари билан ифодаланган. Узлуксизлик ўз навбатида градациянинг ўзгариш, ҳаракат, динамика каби фундаментал компонентлар билан чамбарчас боғлиқки, у “ўтиш”, “бориш”, “жараён” семалари билан ифодаланган. Аниқроқ айтганда, ўзгариш, ҳаракат, динамика градация компонентлари сифатида изчилликка асосланади. Шуниси эътиборлики, таърифларнинг аксариятида ҳаракатнинг ўсиши томони қайд этилади, бу эса “ортиш”, “кучайиш”, “ошиш” семалари билан ифодаланади.

Градация концепти тегишли белгининг мавжудлигини тақозо этади. Ушбу белгининг ўзига хос хусусиятлари, яъни ўзгариш (ортиш ёки камайиш) қобилияти градуаллик ҳисобланади.

Маълумки, белгилар ўзича мавжуд бўла олмайди, улар воқеликнинг турли предмет ва ходисаларига хосдир. Шу муносабат билан градацияга нафақат белгилар, балки градуал белгилар билан тавсифланадиган турли жараёнлар, ҳаракатлар, ҳолатлар, предметлар (жонли ёки жонсиз) ҳам учрайди. Жумладан, ҳаракат “маконда кўчиш, ҳаракатланиш” *ҳаракат тезлиги* белгиси бўйича даражаланади: *судралмоқ – имилламоқ – юрмоқ – югурмоқ – елмоқ – чопмоқ – учмоқ*. “Кўрқув” эмоционал ҳолати “ҳолатнинг кучайиши” белгиси бўйича даражаланади: *кўрқув – ваҳима – титроқ – даҳшат – саросима*. Предметлар “ўлчам” белгиси бўйича градуацияланиши мумкин: *жажжжи – митти – лилипут – карлик* – (инсон, ўртача ўлчамли жонзот) – *пахлавон – гигант*.

Юқорида қайд этилганидек, лисоний градация тадқиқотларида градуал шкала муаммоси алоҳида ўрин тутаяди. Э. Сэпирградацияга «маълум бир шкалага мос тартибга солиш» сифатида таъриф берган. Бизнингча, шкала градациянинг график жихатдан тавсирланган когнитив (фикрлаш) тузилмаси, яъни образли-схематик моделлардир .

Шкала градуал концептларни тартибга солади. Бунда “ортиш”, “камайиш”, “кўпроқ”, “камроқ” каби концептлар ҳаракатчан ҳисобланади, чунки шкалада исталган жойни эгаллаши мумкин. Шунини қайд этиш мумкинки, “ортиш” ва

“камайиш” концептлари ўзининг ўзгарувчан табиатига кўра одатда бутун шкалани ёки, ҳеч бўлмаганда, унинг катта қисмини қамраб олади. Бу шу билан изоҳланадики, уларнинг шкаладаги жойлашувини белгиловчи меъёр ҳам нисбатан ўзгарувчан бўлади. “Катта даража”, “кичик даража”, “энг катта даража”, “энг кичик даража” концептларини тартибга солувчи меъёр шкалада муайян ўринни эгаллайди.

Градацияни концептуал соҳасини кўриб чиқар эканмиз, градациянинг қандай когнитив асосда қандай концептуал соҳалар билан ўзаро таъсирга киришиши ва метафоризация жараёнида градациянинг концептуал соҳасида қандай образ-схематик шаклланишини аниқлаш зарур.

Ж. Лакофф ва М. Джонсон бу каби метафораларни йўналишга оид метафора деб номлаганлар. Уларнинг негизида – жисмоний (кўриш орқали) қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мужассам: контейнерга кўпроқ модда ёки предметлар кўшилса, унинг ичидаги нарса даражаси ошади, буни кўз билан кўриб, қайд этилади. Шу тариқа, шкала бўйича юқорига ҳаракатланиш белги даражасини ортиши (ошиши) билан изоҳланади:

His parents bought him in because he'd had a high fever. (Sunday magazine MM16, 2009);

Armour's share price jumped up, we don't expect it to stay there. (ARMOUR Residential REIT, inc. 2018);

... гумонимча **иситмангиз қаттиг ушлаган** кўринадир ва бу телбаларча мактубингизни иситма орасида ёзгон ўхшайсиз...» (Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар.)

пахтанинг нархи кескин ошиб кетган ҳолда ширкатлар томонидан нархларнинг ҳамон паст даражада тўланиши йигитларнинг газабини янада ошириб юборди. (Мансурхўжа Хўжаев, Шермуҳаммадбек Қўрбоши)

Чексиз (жуда катта, чегараланмаган) даража жисмоний (кўриш орқали) қабул қилишдан ортиқ бўлган даража сифатида тушунилади: **чегарасиз, бениҳоя, чексиз, бениҳоят, ҳаддан зиёд ва ҳ.к.:**

Кенглик ҳар томондан ўраб олинган. Сиқикдақолган. Кўнгил шу чегарани ёриб ўтишни истайди. (Тоҳир Малик, Девона)

Чегара концептуал сферасининг **тўлиқ, тўлмоқ, тошмоқ** каби элементлари бошланғич соҳада “контейнер” образ-схемаси ёрдамида намоён бўлиб, градация концептуал сферасига мослашиши” мумкин. Жумладан, даражаланувчи ҳиссиёт ёки эмоционал ҳолатни унинг чегарадан чиқувчи бирор бир **контейнер** сифатида концептуаллаштириш мумкин:

Or were those real tears? And he sank deeper into the depression that overwhelmed him, (B.Ione Mutchler, The passions of Vincent Van Gogh, 2014);

Жувон энгашиб отнинг ёлини силади. Унинг ҳаракати, ўпкаси тўлиб, гандан тўхташ учун баҳона излаётганини кўрсатар эди. . (Абдулла Қаҳҳор, Даҳшат)

Градация концептуал сферасининг **материя ҳолати** концептуал сфераси билан ўзаро таъсирлашувини кузатиш мумкин. Бу соҳадаги ҳолатнинг турига

қараб, турли градуал концептларни белгилашга хизмат қилувчи қуйидаги соҳаларни фарқлаш мумкин: *ёниш, портлаш, қайнаш, парланиш, эриш*. *Ёниш* ҳолати соҳаси элементлари асосан ҳиссиётларнинг жуда катта ва чегаравий даражасини белгилаш учун қўлланилади. Жумладан, “кучли кечинма” концептини номлаш учун ушбу соҳадан ёнмоқ, ловуллаб ёнмоқ каби элементлар кўчирилади:

Мактабхон она ҳам баъзан тутақиб кетар, «ўзи олдим, Шўро олдим!» деб аламидан дардини тўкиб соларди. (Саид Ахмад, Қуёш фасли)

But Clyde, noting at once that several reporters and artists were studying and then sketching or writing of him, now flushed hotly and weakly, for he could feel their eager eyes and their eager words as clearly as he could hear their scratching pens. (Theodore Dreiser, *An American tragedy*, 1925).

Қайнаш ҳолати концептуал сферасидан қайнамоқ, қайноқ элементлари “ҳиссиёт ва кечинмаларни кучли ва тўлқинланиб намоиш этиш” концептларини номлаш учун кўчирилади:

I began feeling frustrated and judgmental about myself, lonely and angry. But then a fierce response boiled up from somewhere in the deepest caverns of my heart, and I told myself, “I will not judge you for these thoughts.” (Elizabeth Gilbert, *Eat, pray, love*, 2006);

— *Жаҳон соғ-саломат, лекин уни ва оқсоч Ҳайзуронни олиб қочиб кетишди. У менга: «Зирғомга салом айтиш ва бўлган воқеани унга етказинг!»*
— *деди. Зирғомнинг тутунни осмонга чиқиб, қониқайнаб, кўзларидан ўт чақнарди: — У қароқчилар ким экан? Бирортасини ҳам таниб олмадингми? — Йўқ, улар «таниб қолишса, сиримизфошбўлади», деб юзларига парда тўсиб олишган. Овозларини ҳам сира чиқаришмади.* (Жўржий Зайдон, Фарғона келини)

Буғланиш ва **эриш** ҳолатлари концептуал сфералари элементларидан “камайиш” ҳаракатчан градуал концептини вербаллаштиришда фойдаланилади: *буғланмоқ, учиб кетмоқ, эримоқ*. Ўзаро таъсирлашувчи соҳалар учун интеграл бўлган компонентлар «ҳаракат», «ўзгариш», «ўтиш», «ғойиб (йўқ) бўлиш», “секин-асталик”: буғланиш пайтида суюқлик миқдори аста-секин камаяди (тўлиқ йўқ бўлгунига қадар), эриш ҳам модданинг миқдори камайиши билан изоҳлади:

— *“The crowds melted away.* (Elizabeth Moon, *Sheep farmer’s daughter*)

Градация концептуал сфераси **фауна** концептуал сфераси билан боғланиб, градация концептуал сфераси “энг катта даража” деб номланувчи градуал концептни ифодалаш учун ўзига хос белгиларни олади: *эшак ўлдирадиган совуқ, итдек оч, отдек бақувват* ва ҳ.к. Бу алоқа гносеологик асосга эга. Масалан, ҳайвоннинг ёввойи, йиртқич, тўймас жониворлиги ҳақидаги билимларимиз очлик ҳақида фикрларимизни ифодалаш имконини беради.

Коинот концептуал сфераси “жуда катта (чексиз) даража” градуал концептини белгилашга хизмат қилади: *космик, самовий*. Когнитив жиҳатдан буни коинотнинг – чегарасиз макон, жисмонан қабул қилишимиздан йироқ

эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу боисдан чегарасиз даража космик, самовий нарса сифатида концептуаллашади ва **улкан, юксак** каби концептларни вербаллаштириш учун қўлланилади.

Градация концептуал сфераси шунингдек **патологик физиологик ҳолатлар** концептуал сфераси билан алоқага киради: *ақлдан озиш, ақл бовар қилмайдиган, жиннилик* ва бошқалар шулар жумласидан. Улар градация соҳасига "ўта катта даража" ва "энг катта (чегарасиз) даража" каби мустақкам концептларини номлаш учун қўлланилади: *ақлсиз, ақлдан озган, ақлдан озгунча, ақл бовар қилмайдиган*.

Ўлим концептуал сферасидан градация концептуал сферасига "ўта даража" концептини белгилаш учун тегишли элементлар олиб ўтилади: **ўлгудак, ўлгунча, ўласи, ҳалокатли** ва ҳ.к. Ушбу концептуал соҳаларнинг яқинлашуви қуйидагича когнитив нуқтаи назардан изоҳланади: ўлим – интиҳо, ҳаётнинг тўхташи, яъни муайян чегара, шу муносабат билан ўлим терминларида белгининг *ўта* даражаси тасвирланади: *зарарли, оғир, ўта кўнгилсиз, мудҳиш*.

Юқоридаги таҳлиллар градациянинг концептуал сфера сифатида градуал концептларни тартибга солувчи шкаланинг образли-схематик модели асосида юзага келишини намоён этади.

Демак, шкаладаги (бошланғич) ҳисоб нуқтасига қараб (меъёрга нисбатан ҳаракатчан-ўзгарувчан ёки қатъий-ўрнашган) градуал концептларнинг икки тури фарқланади: 1) ҳаракатчан (ўзгарувчан) концептлар («ўсиш», «камайиш», «кўпроқ», «камроқ»), улар шкаладаги исталган жойни эгаллаши мумкин; 2) шкалада муайян жойни эгалловчи қатъий-ўрнашган концептлар («катта даража», «кичик даража», «энг катта даража», «энг кичик даража»).

Диссертациянинг **“Инглиз ва ўзбек тилларида градациянинг функционал ва прагматик хусусиятлари”** номли учинчи бобининг биринчи фаслида турли тизимли тилларда семантик ва структур хусусиятларини очиб бериш, семантик категорияларнинг бир-бирига бўлган муносабатини аниқлаш ҳамда уларнинг фонологик, лексик, морфологик, синтактик ва стилистик сатҳларда намоён бўлишини далиллаш кабилар муҳим аҳамият касб этади. Ж.Джумабаеванинг фикрича, улар қаторида даражаланиш («градуономия») ҳодисасини қардош бўлмаган миллий тилларда қиёслаб, даражавий муносабатларни лексик ва стилистик сатҳларда аниқлаш, уларни тил корпусларига, луғат ва синсетларга киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир¹⁶.

А. Бозоровга кўра, даражаланиш ҳодисаси субстанцияси моддийроқ (яққолроқ) бўлган фонетика/фонолгияда, шунингдек, реал борлик даражаланишларини бевосита акс эттирувчи луғавий тизимда ёрқинроқ, тилнинг бошқа сатҳларида мавҳумроқ йўналишларда намоён бўлади¹⁷. Т.Г.

¹⁶ Джумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуономия. Монография.– Тошкент, 2007.– Б. 4.

¹⁷ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол. фан. номз. ...дисс.автореф. Тошкент, 1997. - Б. 43.

Хазагеров ва Л.С. Ширина таъкидлаганидек, градация "тоннинг кўтарилиш ёки пасайиш хусусиятига эга бўлган бир нечта интонация марказларига эга"¹⁸.

Умрим бўйи сенга тикилиб ўтирсам ҳам, тикилишдан тўймайман, эй гулузорим! Эй оби ҳаётим! (Журжий Зайдон, Фарғона келини, 98)

Фонетика даражасида градация овозни кўтариш ва пасайтириш, сўздаги товушларни чўзиш, урғу ва ҳ.к. ларда намоён бўлиб, ёзма матнлар градуалликни ифодалашнинг фонетик воситалари график жиҳатдан қуйидагича акс этиши аниқланди. Улар бирдан ортиқ ҳарфларнинг ёзилиши орқали сўздаги товушлар чўзилишини назарда тутади: *кичкишина, каааатта*.

Морфемали кўрсаткичлар аффикслар (префикслар ва суффикслар билан) ва аффиксоидлар орқали намоён бўлади. Аффиксоидлар таркибида бирор бир белгининг катта ёки олий, чегаравий даражасини билдирувчи префиксоидлар фаркланади: **кўп**, **йирик**, **ўта, супер**, **тўлава** бошқ., масалан, кўп қаватли уй, *йирик габаритли юк, ўта маҳфий, супертанкер, тўла ўлчовли* ва бирор бир белгининг етарли бўлмаган, катта бўлмаган даражасини кўрсатувчи префиксоидлар: **кам-**, **ярим-**; **non-**, **im-**, **under-**, масалан, *камқувват, камқон, камчиқим, яримжон, яримавтомат, яриморол; nonmobile, immature, underdeveloped*.

Морфемали кўрсаткичлар сифатида шунингдек кичрайтирувчи суффикслар намоён бўлади: **-(а)лок-**, **-чок-**, **-ча-**; **-kin-**, **-let-**, **-te-**, **-ok-**, **-ule-**, **-ling-** (*қизалоқ, қўзичоқ, бузоқча; islet, boykin, animacule, kitchenette, hillock, catling, firstling*), заифлашган маъносини берувчи суффикслар **-(и)ш-**; **-ish** (*сарғиш юз, қизғиш уфқ; yellowish filter, greenish layer*).

Морфемали кўрсаткичларга солиштирма ва орттирма даража префиксларини ҳам киритиш мумкин: **ба-**; **-(e)st** (*бадавлат, бақувват, басавлат, бағоят; biggest, smallest, greatest*); сер-ғайрат, сер-сув, сер-хосил, кам-хосил, алп-комат, фаришта-сифат, мол-фаҳм, товук-калла, дев-сифат, бўй-дор, жозиба-дор мафтун-кор, бе-хад, ба-ғоят; ба-давлат, ба-савлат, бой-ота, бой-вучча, пул-дор, пул-сиз, ном-дор, ном-сиз ва ҳ.к. Инглиз тилида: *supersoldier, supermarket/ supersonic, out-outfight, over-overcome, sub-due, sur-pass, ultra-violet*.

Градацияни сўз қўшиш усули ёрдамида намоён этувчи бирликлар мавжуд бўлиб, бунда компонентлардан бири белгининг даражасига ишора қилади, масалан *тўқ кўк, оч сариқ; whitish-pink, dark-blue, light-red* ва бошқ. Семантик маъносига кўра бу каби лексемалар кўпинча ранглар ва тусларни билдиради. Морфемали индикаторларга шунингдек такрор ёрдамида ҳосил бўлган лексик бирликни киритиш мумкин, масалан *аста-аста, тез-тез, узун-узун; farfaraway, alonglongtime* ва бошқалар.

Лексик-семантик идикаторлар таркибида турли сўз туркумларига мансуб бўлган, маъносида градуаллик семалари бўлган сўзлар бўлиши мумкин: *қаҳр*

¹⁸ХазагеровТ.Г., ШиринаЛ.С. Общая риторика: Курс лекций и Словарь риторических приемов. Ростов н/Д, 1999.– С. 137.

(**кучли** ғазаб), *аъло* (**жуда** соз, **жуда** яхши), *баҳайбат* (**жуда** катта), *митти* (**жуда** кичик), *анча, жуда, бағоятда, сал; very, quite, rather, exceedingly.*

Лексик-семантик индикаторлар орасида маънони метафоризациялаш ёрдамида градацияни ифодаловчи индикаторларни алоҳида гуруҳга ажратиш лозим, масалан, *ҳиссиётлар тўфони, севги уммони.*

Лексик-семантик индикаторлар ролида коммуникатив метафоралар ҳам намоён бўлади, улар лисоний метафоралардан фарқли равишда тайёр ҳолда айтилмайди, балки нутқ жараёнида (матнда) шаклланади: *Атамбоевга оғрироқ зарба бериш, апрель инқилобидан кейин улардан кўпчилиги имтиёзлар, ёғли жойдан ва ўғирланган мулкдан маҳрум бўлгани учун қасд олиш учун* (<https://kun.uz/news/2019/06/22>); Бу ҳолатда градация *ёғли* (кўп миқдорда *ёғга эга бўлган*) метафораси орқали ифодаланяпти.

Морфемали индикаторларга солиштирма ва орттирма даража суффиксларини ҳам киритиш мумкин: **ба-**; **-(e)st** (*бадавлат, бақувват, басавлат, бағоят; biggest, smallest, greatest*).

Градация умумлингвистик ҳодиса эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уни тилнинг турғун хусусиятга эга мураккаб бирликларига ҳам хослиги тўғрисидаги назария мантиқан асосли эканлиги фразеологиядаги даражаланиш аспектига мувожаат этиш заруратини белгилайди. Масалан: *дўпписини осмонга отмоқ – боши кўкка етмоқ – оғзи қулогига етмоқ.* Фразеологизмлар (кенг маънодаги талқини) нутқ жараёнидаги ҳолатни ёрқинроқ кўрсатиб бериши сабабли уларни муайян бир коммуникатив интенция асосида дискурсив жараёнда қўллаш самарали ҳисобланади:

Ёшлигингда одат қилсанг – қаригунча кўникасан, қариликда одат қилсанг – кўниккунча кўмиласан. Гап шаклидаги фразеологизмлар орасида ҳам градуонимик муносабатларни кузатиш мумкин: *Етти ўлчаб бир кес – Минг ўлчаб бир кес.*

Фразеологик бирликларнинг прагматик маъноси экспрессив ва эстетик компонентлар орқали намоён бўлиши мумкин. Прагматик маънонинг экспрессив компоненти сўзловчининг ҳис-туйғусини, баҳосини тасвирлашдан иборат. Масалан: *тепа сочи тик бўлмоқ, боши осмонга етди.* Одатда бунга ўхшаш бирликлар эмфатик урғу билан билан айтилади. Бундай нутқ айни пайтда паралингвистик воситалар – имо-ишора, мимика, кўз ҳаракати ва ҳ.к. лар ёрдамида амалга ошиши мумкин. Ўзбек фразеологик бирликларида экспрессив компонент ёрқин ифодаланади: *ер юткур, оғзи қулогига етди, нафаси ичига тушиб кетди.*

Матнда градацияни ифодалаш усуллари тадқиқ қилиш коммуникация жараёнларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур. Сўнггисига қуйидагилар киради: муҳокама тури, нутқ субъекти тегишли коммуникатив ҳолатда қўядиган иллокутив мақсадлар, нутқ иштирокчиларининг турли

хусусиятлари. Маълумки санаб ўтилган омиллар муҳим тил йўналиши прагматика билан ўрганилади¹⁹.

Прагматикани ўрганишда мазкур тилшунослик йўналишида ишлаб чиқиладиган масалаларнинг яхлит мажмуасини белгиловчи инсон омили муҳим аҳамиятга эга²⁰. Биринчидан нутқ субъекти билан боғланган масалалар: нутқнинг иллокутив мақсадлари, нутқ тактикаси ва нутқ муомаласи қоидалари ва бошқалар. Иккинчидан нутқ реципиенти тушунчаси билан бирлаштирилган масалалар доираси, ниҳоят инсон омили билан коммуникация иштирокчилари ўртасидаги муносабат, нутқнинг ўзаро таъсири муаммоси, нутқнинг маълум ҳолатида уларнинг мақоми боғлиқ бўлади. Бундан ташқари инсон омили нутқ эгасининг муаммолари прагматикаси учун долзарб саналади. Айнан сўзловчи томонидан градацияни ифодалашнинг тил воситалари мазкур тадқиқотда градуаллик индикаторлари сифатида келтирилади.

Шундай тарзда градуаллик индикаторлари лингвистик прагматика учун муҳим аҳамият касб этади. Улар нафақат градуал белгилардаги объектив тафовутларни ифодалаш, балки ҳиссий баҳони ифодалаш хизмат қилади. Маълум ҳолатларда градуаллик индикаторлари нутқнинг прагматик чўққисини кўрсатади²¹. Д.Кимга кўра «Айнан лингвопрагматика сўзловчининг ўз нутқида тил бирликларини танлашда иккиланиши муаммосини ҳал қилади ва контекстдаги ҳолат, жой, вақт ва бошқа омилларнинг маънога ўтказадиган таъсири кўрсатиб беради»²².

Лингвопрагматиканинг асосида нутқий акт тушунчаси ётади. Бу тушунча, энг аввало, сўзловчининг нутқ жараёнида вужудга келувчи муайян бир интенцияси (мақсади) билан боғлиқдир. Ҳар қандай мулоқот жараёнида лисоний бирликлар уларнинг луғавий маъносидан ташқари тағ маънога ҳам эга бўлади, яъни лисоний бирликлар нутқда илтимос, буюриш, тасдиқлаш, хабар бериш, эслатиб ўтиш, огоҳлантириш, ваъда бериш каби мазмунларни ифодалаш имкониятини намоён қилади. «Нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир, маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилишидир»²³.

Градуаллик индикаторлари ёрдамида амалга ошириладиган нутқий таъсирнинг қуйидаги турлари аниқланди: адресатда муайян ҳодиса, предмет, белги ва бошқалар тўғрисидаги образли тасаввурни шакллантириш мақсадида

¹⁹Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текста. – М.: Наука, 1986.–С. 5 (200 с).

²⁰Арутюнова Н.Д. Фактор адресата // Изв. АН СССР. Сер. лит. и яз. – 1981. – Т. 10. - № 4. – С. 356-367.; Винокур Т.Г. Говорящий и слушающий: Варианты речевого поведения. – М.: Наука, 1993. – 171 с.; Кубрякова Е.С., Шахнорович А.М., Сахарный Л.В. Человеческий фактор в языке: Язык и порождение речи. – М.: Наука, 1991. – 240 с.; Человеческий фактор в языке: Коммуникация, модальность, дейксис / Арутюнова Н.Д., Булыгина Т.В., Кибрик А.А., Красухин К.Г., Крылов С.А., Падучева Е.В., Радзиевская Т.В., Шмелев А.Д.. – М.: Наука, 1992. – 281 с.

²¹Туранский И.И. Семантическая категория интенсивности в английском языке. – М.: Высш. школа, 1990. – 173 с.

²²Kim D. et al. The Role of an Interactive Book Reading Program in the Development of Second Language Pragmatic Competence // The Modern Language Journal. Vol. 86, № 3, 2002. – P. 328-332.

²³Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Т., 2008. – Б.80-81.

таъсир кўрсатиш, адресатни ишонтириш (ахборотнинг ҳаққонийлигига, муайян ҳаракатни амалга оширишда ва ҳ.к.з.).

Хонадан дастёр аёлларидан энг басавлату бақалогу, назаримда, ҳатто сабр бардошли авлиёнинг ҳам зашани келтиргудек аҳмоқона иржайиб келди. (А.Иминов. Оқ кийинган аёл).

A rumor is like a snowball: It starts small, but it can pick up mass and momentum as it rolls down the hill until what began in a hushed tone ends with the roar of an avalanche. (*Robert Menschel*. <http://www.wiseoldsayings.com/snowball-quotes/>)

Кўпинча таъсир кўрсатиш мақсади **адресатнинг эмоционал ҳолатини ўзгартириш**, адресатда тегишли ижобий ва салбий ҳиссиётлар ва эмоционал муносабатни шакллантиришдан иборат бўлади:

— *Э, воҳ! Бу дунё ўзи бевафо, нопок... Ҳаммасини қораси ўчсин... Берган оқ сутим ҳам булганиб қора бўлди!.. Адҳам, жигарпорам!.. Минг марта айтдим... Қулоқ солмади... Эй, худо!.. Одам нечук бундай яратилган?* (Пиримкул Қодиров, Ҳумоюн ва Акбар)

Демак, градуаллик категорияси тилнинг барча даражаларида, асосан лексик қатламда ва матнда ифодаланади.

ХУЛОСА

1. Градация фикрлашнинг универсал механизмларидан бири сифатида инсоннинг онгли фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Градация тилнинг семантик, фонологик, морфологик, синтактик, фразеологик ва текстологик қатламларида акс этиб, мулоқот жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки у тилнинг амалдаги функциясини бажарилишини таъминлайди.

2. Градацияни таҳлил қилишнинг когнитив аспекти градациянинг концептуал доирасини ташкил этувчи таркибий қисмлар ва концептуал сфераларини аниқлашга қаратилган. Градацияни семантик нуқтаи назардан тадқиқ этиш матнда градация кўрсаткичларининг ўзига хослигини очиқ бериш, градацияни ифодаловчи лексик бирликларнинг семантик таркибини ўрганиш, градуаллик категориясини ифодаловчи воситаларни аниқлаш билан боғлиқ. Функционал-прагматик таҳлил – дискурсив даража белгилари ва ифода воситаларининг турларини (градуаллик кўрсаткичи) аниқлашга, семантик белгилар градациясининг коммуникатив-прагматик таъсирини белгилашга қаратилган.

3. Тадқиқотда градациянинг икки *лексик-семантик ва дискурсив* турлари ажратиб кўрсатилди. Инглиз ва ўзбек тилларида семантик ва дискурсив хусусиятларнинг ўхшашлиги ҳар иккала турнинг ўлчовга доирлиги, нисбийлиги ва динамик эканлиги билан белгиланади.

4. Градуаллик категориясининг шаклланиши градация концептига асосланади. Градация тушунчасининг концептуал таҳлили унинг қуйидаги таркибини аниқлашга имкон берди: градацияга учровчи белги,

бошланғич нукта, меъёр, ортиш, камайиш, кўпроқ, камроқ, катта даража, кичик даража, энг катта даража, энг кам даража. Градациянинг гушбутаркибий қисмларини алоҳида концептлар сифатида кўриб чиқиш мумкин, бу эса градацияни алоҳида концептуал соҳа сифатида тадқиқ этиш имконини беради.

5. «Шкала» тасвирий-схемаси градация доирасини юзага келтиради, унинг таркибий қисми ва ҳолати шкалага, яъни белги учун меъёр ҳисобланган бошланғич нуктага асосланади. Ўзгарувчан (ҳаракатланувчи) меъёр шкалада ҳар қандай жойни эгаллаши мумкин бўлган ҳаракатланувчи градация концептларини тартибга солади. Бизнингча, шкала градациянинг график жиҳатдан тасвирланган когнитив тузилмаси, яъни образли-схематик моделидир.

6. Метафоризация жараёнида градациянинг концептуал соҳаси турлитуман концептуал соҳалар билан яқинлашиб, уларни икки катта соҳага бирлаштириш мумкин: реал ва ареал дунё соҳаларига. Реал дунё соҳасини физик ҳаракат/маконда кўчиш, перцептив белгилар, физик чегара, материя ҳолатлари, об-ҳаво ҳодисалари, фауна, космос, инсоннинг патологик физиолик ҳолатлари, ўлим каби концептуал соҳалар ташкил этади. Ареал дунё соҳаси инсон хиссиётлари, уйдирма, ҳаёлот, маданий тасаввур каби концептуал соҳаларини бирлаштиради.

7. Тилда, яъни жараёнга оид, кўп босқичли градация динамик кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади, дискрет, яъни бир босқичли градация статик кўрсаткичлар ёрдамида тилда акс этади. Лексик градацияда ўзбек тилида ўсиш сезиларли даражада кўринади, яъни градуаллик яққол сезилади, лекин инглиз тилида, унинг аналитик тил эканлигидан келиб чиқиб, доминант сўз атрофида маънодош, ёки қўшимча маъно берувчи сўзлар мавжуд бўлади. Фонетик градация ҳар икки тилда ҳам ўхшаш. Аниқроғи, товушнинг пасайиш ёки ўсиши ёзувда тиниш белгилар (ундов белгиси) билан ифодаланади. Градуаллик даражасига қараб тиниш белгилари бир ёки бир нечта ҳам бўлиши мумкин.

8. Инглиз ва ўзбек тилларида ортиш концептини акс эттирувчи тил белгиларининг камайиш концептини ифодаловчи тил бирликларига нисбатан устунлиги қайд этилган. Бу эса ушбу тушунчаларнинг инсон фаолияти учун катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Нарса, ҳодиса, жой, вақт, вазн маъноли лексемаларда даражаланиш концептуал таҳлил асосида тадқиқ қилинганда шу нарса аниқландики, ўзбек тилида ушбу гуруҳга кирувчи лексемалар даражаланишқаторлари (денотатив маъноларда) аъзолари сони инглиз тилидагига нисбатан камроқ. Яъни буни инглиз ва ўзбек тиллари лисоний олам тасвирининг ҳар хиллиги билан тушунтириш мумкин.

9. Градацияни ифодалашнинг бешта даражаси мавжуд: ноль (белгининг тўлиқ ғойиб бўлиши), паст, ўрта, юқори ва энг юқори даражалар. Юқори даражали ифоданинг кўрсаткичи градация концепти ва градуаллик категориясининг асосини ташкил этади. Буларга асосий функцияси

градуалликни белгилашдан иборат бўлган турли хил лисоний даражалар бирликлари кириб, улар градуал семантикага эга бўлган кўрсаткич ва фразеологик бирликларни ўз ичига олади.

10. Дискурсив градуал белгиларининг таҳлили унинг қуйидаги турларини ажратишга имкон берди: хабар аҳамияти, хабар қилинган ҳақиқатдаги ишонч /ноаниқлик, шаклнинг мазмунга мувофиқлиги, билдирилган маълумотларнинг умумлаштирилганлиги/ўзига хослиги, аниқлиги, сўзларнинг баҳо, категория баҳоси, туйғу, эмоция. Градация (бир босқичли ва кўп босқичли), ҳиссий баҳолашдан ташқари, асосан синтактик ва морфологик воситалар ёрдамида амалга оширилади.

11. Изланишлар шуни кўрсатдики, инглиз ва ўзбек тилларидаги градация даражаси абсолют эмас, балки нисбийдир. Ушбу ҳолат инглиз ва ўзбек тиллари ўртасидаги умумий хусусиятнинг турли тиллар ички структураси ва коммуникатив вазифа кўрамага қараб турлича бўлиши маълум бўлди. Шунга кўра, ҳар икки тилда белгининг ҳисоб нуқтаси (меъёри) нутқ субъекти томонидан ўрнатилади ва контекстга қараб ўзгаради. Яъни нутқда меъёр сўзловчи томонидан вазиятга қараб, шунингдек, у ёки бу градуал белгини қабул қилишнинг индивидуал хусусиятларига қараб ўрнатилиб, ушбу ҳолатда меъёр доимо субъектив ва контекстга боғлиқ бўлади. Адресатга нисбатан эмоционал таъсир асосан жуда юқори ва энг юқори даражани ифодаловчи кўрсаткич орқали амалга оширилади

12. Градациянинг оккационал кўрсаткичининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг ҳосил бўлиши сўзловчининг иллокутив мақсадлари (ижобий ёки салбий баҳони ифодаловчи маълумотни мажозий равишда тақдим этиш, истеҳзо, киноя ёки ҳазил таъсири ва бошқалар) билан аниқланади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING DOCTOR
OF PHILOSOPHY (PhD) SCIENTIFIC DEGREE
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 AT ANDIJAN STATE UNIVERSITY**

ANDIJAN STATE UNIVERSITY

MAHMUDOVA NILUFARKHON RAVSHANOVNA

**COMPARATIVE ANALYSIS OF COGNITIVE AND PRAGMATIC
FEATURES OF GRADATION IN THE ENGLISH
AND UZBEK LANGUAGES**

10.00.06 – Comparative Study of Literature, Contrastive Linguistics and Translation studies

**DISSERTATION ABSTRACT
for the Doctor of Philosophy scientific degree (PhD) in philological sciences**

Andijan – 2021

The theme of the PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2017.2.PhD/Fil1157

The dissertation has been prepared at Andijan state university

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, Russian, English (resume)) languages on the website of Andijan state university www.adu.uz and «ZiyoNET» information and educational portal (www.ziyo.net).

Scientific advisor: Shakhabitdinova Shokhida Khashimovna
Doctor of Philological Sciences, Professor

Official opponents: Nabiyeva Dilora Abdulhamidovna
Doctor of Philological Sciences, Professor

Ergasheva Guli Ismoil kizi
Doctor of Philological Sciences, Associate Professor

Leading organization: Ferghana State University

The defence of the dissertation will take place on «10» «July» 2021 at «1489» at a meeting of the Scientific Council PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 awarding scientific degrees at Andijan State University (Address: 129 University street, Andijan, 170100, Tel: 0(374) 223 88 14; Fax: 0(374) 223 88 30; e-mail: agsu_info@edu.uz)

The dissertation is available at the Information Resource Center of Andijan State University (registered number 82). (Address: 129 University street, Andijan, 170100, Tel: 0(374) 223 88 14;

The abstract of the dissertation was distributed on «29» «June» 2021 (Protocol at the registered № _____ on « » _____ 2021).



N.M.Uluqov
Chairman of the Scientific Council
awarding scientific degrees, Doctor of
Philological Sciences, Professor

F.F.Usmanov
Secretary of the Scientific Council
awarding scientific degrees, PhD

M.L.Umarkhodjaev
Chairperson of the Scientific Seminar at
the Scientific Council awarding
scientific degrees, Doctor of Philological
Sciences, Professor

INTRODUCTION (PhD thesis annotation)

Topicality and necessity of the dissertation theme. Scientific research such as a detailed analysis of the direct and indirect relationships of linguistic units as key factors in the development of world linguistics and the identification of specific cognitive and pragmatic features of new linguistic paradigms as a result of this analysis are of great importance nowadays. Consequently, the development of world linguistics, in turn, requires that research on the progress of natural languages in the world should be carried out in direct connection.

A comparative study of the concept of gradation in world linguistics provides an opportunity to reveal its specific features more broadly. The study of linguistic categories in other languages also ensures its widespread development in world linguistics. Otherwise, this linguistic concept will remain in one language and will lose its significance over time. Accordingly, many educational institutions and research centers around the world are creating ample opportunities for research on semantic relations, in particular, the status of graduality as a general linguistic phenomenon.

From the first days of our independence, great attention has been paid to the development of science in our country, in particular, to the contrastive study of non-relative languages. Consequently, «Sustainable socio-economic development is inconceivable without innovative development, large-scale scientific and technological cooperation and the introduction of new technologies, scientific and technical achievements»²⁴. This indicates that an in-depth and comprehensive study of linguistic units that are subject to gradation, the study of cognitive and pragmatic features of this phenomenon in modern linguistics from a comparative-typological point of view is one of the current problems of national linguistics and emphasizes the need to study the specifics of the concept of "gradation" in English and Uzbek.

To a certain extent, this dissertation work will serve to implement the tasks set out in the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-4794 May 13, 2016 «On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi», Decree No. PF-4947 of February 7, 2017 «On the Strategy of Actions for the further development of the Republic of Uzbekistan», Decree No. PF-5850 of October 21, 2019 «On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language», Resolution No. PQ-2789 of February 17, 2017 «On measures to further improve the activities of the Academy of Sciences, the organization, management and funding of research», as well as the tasks set out in other regulations related to this activity.

Dependence of the research on the priorities of the development of science and technology in the country. This research is carried out in accordance with the priorities of the development of science and technology of the republic: «Spiritual,

²⁴ Мирзиёев, Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 35-36.

moral and cultural development of a democratic and legal society, the formation of an innovative economy».

The degree to which the problem has been studied. The concept of gradation was interpreted in Uzbek linguistics in 1989 as a type of semantic relations between words, and this phenomenon was called the «phenomenon of graduonymy»²⁵. The scientific views expressed earlier in the works by N.S. Trubetsky, R. Jakobson, S. D. Katznelson, Y.S. Stepanov, S.T. Giyasov, D.A. Kruz, and, by some other scientists²⁶ gave the impetus for the studies of gradation. Then in the works of R. Safarova, M.D. Narzieva, M.B. Fayzullaev, N.D. Shirinova and L.N. Elmurodova the phenomenon of grading was briefly touched upon²⁷. The paradigm of graduonymy was analyzed by Sh. Orifjonova, O. Bozorov, N. Vakhidova, J. Sh. Djumabaeva and G. Rakhmonov²⁸.

The aspect of linguopragmatics has been studied in depth by such linguists as²⁹ Ch. Pierce and Ch. Morris, N.D. Aryutyunova, K. Bach, R.M. Harnish, J.L. May, N. Filatkina, S.K. Levinson, Sh. Safarov.

Relation of the topic of the dissertation to the research work of the higher education institution where the dissertation is written. The dissertation has been carried out within the framework of the fundamental project number OT-F1-18 on the theme «Development of methods and methodology of formation of public linguistic culture» (2017-2020).

²⁵Бегматов Э., Нейматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. №6, 1989. – Б. 35-40.

²⁶Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Иностранная литература, 1960. – 372 с.; Якобсон Р., Фант Г.М., Халле М. Введение в анализ речи // Новое в лингвистике. Вып. II, 1962. – С.173-186.; Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.-Л.: Наука, 1965. – С. 81-83.; Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. Учебное пособие. – М.: Просвещение, 1975. – С. 38.; Гийсов С. Ўзбек тилида субъектив баҳо сифатларининг семик тахлили // Ўзбек тили ва адабиёти. № 2, 1986. – Б. 28-32.; Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – P. 187-195; Cruse D.A. The Lexicon. In: Aronoff M., Rees J.M. (eds.) The Handbook of Linguistics. – N.Y.: Blackwell Publishing, 2002. – P. 182-200.

²⁷Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов): Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1990. – 142 с.; Нарзиева М.Д. Семантическая структура имен существительных возрастной характеристики лица в узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1992. – 28 с.; Файзуллаев М.Б. Сравнительно-типологические особенности лексико-семантических групп глаголов психического состояния в русском и узбекском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1994. – 23 с.; Ширинова Н.Д. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2010. – 123 б.; Элмуродова Л.Н. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони). Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2011. – 26 б.

²⁸Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1994. – 113 б.; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 1997. – 270 б.; Vokhidova N. Ergebnisse einer web-basierten Umfrage zur Graduonymie // Akten des 43. Linguistischen Kolloquiums: Pragmatische II. Zum aktuellen Stand der Linguistik und ihrer Teildisziplinen, 2007.; Vokhidova N. Lexikalisch-semantische Graduonymie im Deutschen // GLDV-2007: Workshop on lexical-semantic and ontological resources: proceedings / C. Kunze, L. Lemnitzer, R. Osswald. – S. 119-128.; Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 2016. – 231 б.; Раҳмонов Ф. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати. PhD дисс. – Фарғона, 2018. – 132 б.

²⁹Morris C.W. Foundations of the Theory of Signs. – Chicago: The University of Chicago Press, 1938. – 59 p.; Арутюнова Н.Д. Дискурс. Вкн.: Лингвистическая энциклопедия. – М., 1990. – С. 136-137. Bach K., Harnish R.M. Linguistic communication and speech acts. – Cambridge, Mass.: MIT Press, 2000. – 484 p.; Mey J.L. Pragmatics: An Introduction. 2nd ed. – Oxford: Blackwell, 2001. – 392 p.; Filatkina N. Pragmatische Beschreibungsansätze. In H. Burger et al. (eds.), Phraseologie. Ein internationales Handbuch der zeitgenössischen Forschung. 1. Halbband. – Berlin/N.Y.: de Gruyter, 2007. – P. 132–158.; Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2008. 420 p.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Т., 2008. – 318 б.

The aim of the research is to reveal the similarities and differences between the cognitive, semantic and pragmatic features of the phenomenon of gradation in English and Uzbek.

Research objectives include:

to study the concept of gradation and analyze graduonymic relations at different levels of language;

to systemize conceptual fields representing the phenomenon of gradation;

to study the cognitive system of formation of the conceptual field of gradation;

to characterize the units of the functional-semantic field of the category of graduality;

to identify the indicators of gradation in the text;

to substantiate the communicative-pragmatic features of gradation in English and Uzbek.

The object of the research is gradation in English and Uzbek.

The subject of the research is the description of the cognitive and pragmatic features of gradation in English and Uzbek.

Research methods. Comparative, differential-semantic, component analysis, contextual and conceptual analysis methods were used to cover the topic of the dissertation.

The scientific novelty of the research is as follows:

the phenomenon of gradation has been analyzed on the basis of a complex approach, its cognitive, functional-pragmatic features were determined by defining static and dynamic indicators representing gradation in English and Uzbek languages;

the conceptual sphere of gradation and its interaction with other conceptual spheres have been substantiated on the basis of the principles of "conceptualization" and "categorization" based on the hermeneutic approach;

the functional-semantic field of the category of graduality, manifested in different layers of language (phonetic, morphological, word-formation, lexical, phraseological, grammatical and textual) has been systemized with a common semantic sign of "degree";

similarities and differences in the communicative and pragmatic functions of gradation in the languages being compared for the first time have been explained on the basis of the anthropocentric approach.

The practical results of the study are as follows:

the results obtained by conducting a comprehensive research on the cognitive and lingvopragmatic features of the phenomenon of gradation in non-relative languages have been proven to be used in language teaching practice;

in English and Uzbek, the level of activity of cognitive and pragmatic aspects of gradation according to its use in speech is determined.

The reliability of the research results is explained by the study of scientific views on the problem, the accuracy of the issues and the use of reliable sources, the analysis of the materials allowed to draw conclusions based on the nature of the English and Uzbek languages, their validity, methodological accuracy, scientifically

based theoretical conclusions on the topic, and, by the fact that the suggestions, recommendations and conclusions have been implemented in practice, the results obtained are approved by the competent authorities.

Scientific and practical significance of the research results. The scientific significance of the research results is explained by its use in the creation of theoretical sources on lexicology, lexicography, semantics, pragmatics of the English and Uzbek languages, the improvement of textbooks and manuals, the provision of additional materials for special courses and serve as a scientific source in the study of gradation and its cognitive, linguopragmatic features in the composition of complex units of non-relative languages.

The practical significance of the results of the research is determined by the fact that the results of the research on the features of representation of linguistic units in graduonymic series serve the teaching and independent study of English and Uzbek languages, to ensure fluency and accuracy of speech in programs prepared by the media in English and Uzbek languages, to make practical use of the recommendations developed to enhance its diversity and attractiveness.

Implementation of research results. Based on the scientific results of a comparative study of the linguopragmatic features of the gradation in English and Uzbek:

the scientific results drawn by comparing the peculiarities of the change in the psycholinguistic nature of speech by means of gradation in the languages of the world, assessing the impact of specific aspects of gradation tools on different levels of language on the formation of speech and its perception were used in the project of the state research program for 2015-2017 «A-1-39Development of the program for the creation of Uzbek applied psycholinguistics «conducted at Andijan State University (Reference of the Ministry of Higher and Secondary Special Education No. 89-03-4172 of October 23, 2020). As a result, it has been enriched with scientific and theoretical bases on the unique aspects of the formation of the gradual aspect, which provides communicative competence of representatives of different linguocultures;

the scientific conclusions on the identification of conceptual areas representing the phenomenon of gradation in English and Uzbek and the study of their cognitive system and the correct formation of sociolinguistic competence in different cultures, in particular, the peculiarities of conceptual areas reflecting the real and areal world were used in the framework of the practical grant project No. 1-06 «Competent approach to the organization of quality control in the training of professional translators»conducted at the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek in 2012-2013 (Reference of the Ministry of Higher and Secondary Special Education No. 89-03-4172 of October 23, 2020). As a result, the possibility of gradation in providing an adequate translation has been taken into account;

analytical views and theoretical conclusions on the comparative analysis of cognitive and pragmatic aspects of gradation in English and Uzbek languages were used in the scripts of Andijan information program «News» and «Online lesson»by

Andijan regional TV and radio company (Andijan regional TV and radio company 20-2 May 20, 2020) Reference No. 277).As a result, the content of the materials prepared for these TV shows was enriched.

Approbation of the research results. The results of this research were discussed at 3 international and 2 national scientific conferences.

Publication of the research results.A total of 14 scientific papers on the topic of the dissertation were published, among which 3 scientific articles were published in scientific publications recommended by the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, 4 scientific articles were published in foreign scientific journals.

The structure and the volume of the dissertation. The dissertation consists of an introduction, three chapters, a conclusion, a list of references and appendices, with a total volume of 156 pages.

THE MAIN CONTENT OF THE DISSERTATION

In the **introductory** part the topic and its relevance of the scientific research is substantiated, the goals and objectives, the object and subject of the research are defined, the relevance of the scientific work to the priorities of the development of science and technology in the country is shown. At the same time, information about the scientific novelty of the dissertation, practical results and their reliability, theoretical and practical significance of the work, the implementation of the results in practice, publication in scientific journals, the structure of the work is provided.

The chapter entitled as «**Theoretical foundations of the study of gradation in linguistics**» explores the specific features of gradation as a linguistic category.

The concept of «gradation» was introduced to science by the French naturalist J.B. Lamarck. This word means gradation (gradual increase) in Latin and it is derived from the word gradus - stage, degree. It should be noted that today in Uzbek linguistics the terms «graduonymy», «graduonymic attitude» and «graduation» are used as synonyms.

According to the monograph of the Uzbek linguist J. Jumabaeva³⁰, the phenomenon of gradation as an object of research in linguistics was interpreted in Uzbek linguistics in 1989 as a type of inter-word semantic relations and was called the phenomenon of graduonymy. was given– «... It was created artificially by combining the part of –onymy, which is the constituent part of synonymy, homonymy, antonymy reflecting linguistic and semantic attitude in Uzbek linguistics with the Latin word gradu («degree», «stage») «1. This phenomenon was presented as a scientific hypothesis in 1990 in the dissertation of linguist R. Safarova, in 1993-94`s Sh. Orifjonova studied gradation in detail in her candidate`s dissertation.

In 1997, linguist O. Bozorov in his doctorate dissertation, put forward the hypothesis that graduonymy is not only a type of general relationship that is

³⁰Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол.фанлари д-ри ... дисс. Тошкент, 2016. – 231 б.

manifested in the system of inter-word relations, but also in the field phonetics and phonology, morphology and syntax, and stylistics.

In Uzbek substantial (formal-functional) linguistics, the concept of graduonymy is recognized as one of the most common types of relations between language units not only in lexical, but also morphological, syntactic and stylistic levels, and extensive research has been conducted in this area. The investigations on this issue began in the 1980`s, and was followed by serious research in this area.

After the 90`s of the last century, this scientific concept was included in the research manuals and textbooks of schools and universities, as well as in the glossary of linguistic terms published in Uzbek. Thus, in Uzbek linguistics, the concept of graduonymy and graduonymic relations was applied from lexicon to morphology and even syntax, and gained the status of a universal type of relationship.

This phenomenon has been the subject of research by Sh. Rahmatullaev, H. Nematov, R. Rasulov, O. Bozorov, S. Giyosov, M. Narzieva, Sh. Orifjonova, M. Fayzullaev and a number of other scientists, and in their work, gradation has been studied in various aspects.

The status of gradation is defined differently by linguists, which can be explained by the complexity, versatility, and prevalence of this phenomenon in language. Gradual relations are marked in the categories of semantics, parts of speech, functional-semantic categories, complex syntactic structures, grammatical meaning, categorical signs, speech lexicon, in the system of connotational meanings of words and phrases, internal text gradation in complex sentences, and so on. This, in turn, indicates how broad the scope of the research on linguistic gradation is.

Defining the essence of the category of gradation implies the study of it together with the relevant logical-philosophical concepts. In philosophy, gradation is not distinguished as an important concept. While it is related to concepts such as quality, quantity, and measurement on the one hand, we can observe that it is inextricably linked with the concept of action on the other³¹. Accordingly, in this dissertation, qualitative and quantitative signs serve as a criterion for the formation of systematically related dialectical integrity.

The interdependence, interconnection and reciprocal substantiation of quality and quantity, their uniqueness is reflected in the concept of measurement, the philosophical basis of which is explained by Hegel as follows: «Everything has its own dimension, for which it does not matter whether it is large or small, but at the same time, the violation of this boundary of indifference is a guarantee that objects will not return to their previous state»³². The measurement reflects the limit of possible quantitative changes of the object that do not significantly affect its qualitative change. Quantitative changes beyond measurement are followed by qualitative changes.

³¹ Кирьян А.Д. Градация как способ организации лексико-семантической группы (Качественные прилагательные со значением характеристики человека в современном русском языке): Дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.01. – М., 1981. – 204 с.

³² Гегель Г. Энциклопедия философских наук. – М.: Мысль, 1974. – Т.1: Наука логики. – 452 с.

Along with the interdependence of the concepts of quality and quantity, they also have different characteristics. Knowing the qualitative property of an object occurs before understanding its quantity. Quantity can change constantly, while quality remains (normative) unchanged, with quantity tending to change and quality being characterized by relative stability. Quantitative changes are gradual, continuous, and qualitative changes leapfrog.

Accordingly, both the quantitative and qualitative categories change, and their relation to the philosophical concept - the concept of action - is determined. Hence, gradation is a concept that is interrelated with logical-philosophical concepts such as quality, action, measurement, quantity.

Thus, in the dissertation work, the graduality is understood as a result, outcome of the sign exposed to gradation, that is, the representation of gradual categories such as quality, quantity, size, and movement on the basis of one or another linguistic sign. The category of graduality is manifested through the phenomenon of gradation and is considered in two directions: gradation is a mental process and its outcome, and linguistic gradation as a means of reflecting cognitive processes.

E. Sapir was one of the first to pay attention³³ to the phenomenon of gradation, classifying it as an order based on a certain scale, and identified the main directions of the study of this phenomenon. E. Sapir distinguished the logical, psychological, and linguistic aspects of gradation. According to J. Lyons, in linguistics the term gradation is used by E. Sapir to denote the operation of comparison³⁴.

In the mental aspect, gradation is defined as the process of recording a gradual, step-by-step change in the quantitative properties of an object, or the change in the qualitative properties of an object, the transition from one quality to another, as well as by recording the result of that process.

Linguistic gradation is interpreted in terms of the reflection of logical processes in language, which implies certain language units and their interrelationships.

Based on the theory of measurement, the grading process can be expressed in the form of a scale that records each phase of change using special signs. In this way, the ontological nature of gradation is defined by some linguists, that is, gradation is classified as a scale represented in steps as a variable object³⁵. The phenomena of gradation exist in the language system, as noted above, and require in-depth study in semantic and functional terms.

Gradual sign, as a sign of change, is a phenomenon that is manifested to a certain extent or another, which is characterized by size, relativity, and variability. The functional-semantic features of gradation require a cognitive approach. This approach

³³ Sapir E. Grading. A study in semantics // Philosophy of Science. – 1944. – Vol. II, № 2. – p. 93-116.

³⁴ Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику. – М., 1976. – 488 с.

³⁵ Кирьян А.Д. Градация как способ организации лексико-семантической группы (Качественные прилагательные со значением характеристики человека в современном русском языке): Дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.01. – М., 1981. С – 19 (204 с.); Шейгал Е.И. Градация в лексической семантике: Учебное пособие к спецкурсу. – Куйбышев: Куйбыш. гос. пед. ин-т, 1990. – С. 3 (96 с).

implies that language is studied not only as a unique object but also as a means of relating to all the textual processes that take place in the human mind³⁶.

The second chapter of the study, entitled as «**The manifestation of gradation in conceptual spheres: a cognitive approach**» examines the role and essence of the concept of «gradation» in the formation of graduality in languages, the conceptual field of gradation and its interaction with other conceptual fields, its static and dynamic indicators.

Linguists view the concept as a structured unit of knowledge and mind that is defined but not rigidly structured. However, according to many cognitive linguists, in the human mind, a concept is initially emerges in the form of a gestalt. The basis of this concept is cited in G. Lakoff's works³⁷, and he defines gestalt as a holistic structure³⁸. Moreover, G. Lakoff notes the ability of the gestalt to be divided into components, properties, elements.

How does a person, as a conscious subject, detach from the environment and accept gradual signs and phenomena? By what linguistic means are the processes of gradation and gradual comprehension reflected? To answer these questions, it is important to take into account the concepts of «conceptualization», «categorization», «concept», «category», «conceptual field» and other concepts that make up the terminological apparatus of cognitive linguistics.

